



Scientific Conference on Multidisciplinary Studies

Hosted online from Bursa, Turkey

Website: econfseries.com

11th April, 2025

ТАЛАБАЛАРНИНГ АХБОРОТ МАДАНИЯТИ

Гулмира Уралова,

Алфраганус университети 1 курс талабаси,

Н.Авазов

Професор Илмий раҳбар: филология фанлари доктори,

Аннотация

Мақолада муаллиф бугунги кунда олий ўқув юртларида ўқиётган талабаларнинг ахборот маданияти тўғрисида ўз тадқиқотларини баён этади. Ахборотнинг талабалар онгига тезкорлик билан кириб келиши, уларнинг бу ахборотлардан фойдаланиш маданияти таҳлилга тортилади. Муаллифнинг ахборотнинг босма шакллари бўлган газеталар мисолида таҳлил этади. Унда асосан “Хуррият” ва “Жадид” газеталари мисолида ўрганади.

Калит сўзлар: Ахборот, босма нашрлар, ахборот маданияти, медиасаводхонлик, тезкорлик, холислик, ишончлилик, газета.

Кириш

Жамиятимиз ахборот асрига айланди. Ахборотнинг тезкорлиги инсонни атроф – муҳитга, ташқаридан оқиб келаётган маълумотларни қабул қилишга жуда эътиборли бўлишни талаб этади. Бугунги кунда медиасаводхонлик масаласи долзар масалалардан саналади. Унинг барча олий ўқув юртларида унинг фан сифатида ўқитилиши талабаларнинг ўзларини англашларига янада ёрдам беради. Бугунги куннинг талабаси медиасаводхон бўлмаса, ўзининг атрофида оқиб келаётган ахборотларни ажратиб олиши қийин бўлади. Бизнинг бу мавзуга қўл уришимизнинг сабаби шуки, ҳар бир талаба ахборотни ўқишида, уни саралаб олишда, ўзининг онгига сингдиришида уни саводли равишда қабул қилишига эътиборларини қаратишдан иборат. Бу мавзуда хорижда хорижий олимларимиз [1], шунингдек UNESCO томонидан чоп этилган қўлланма [2], мамлакатимиз олимларининг ишлари [3] ушбу



E CONF SERIES



Scientific Conference on Multidisciplinary Studies

Hosted online from Bursa, Turkey

Website: econfseries.com

11th April, 2025

мавзуни ўрганишга ҳамда талабаларнинг медиасаводхонлик муаммоларини кўтаришга сабаб бўлди.

Мақолада бугунги кунда талабаларнинг босма нашрларга бўлган муносабатлари ва уларнинг ахборотдан фойдаланишга бўлган эътиборлари тадқиқотимиз обьекти бўлди.

Методлар

Мақолани тадқиқ этишда хорижий олимларимиздан А.Федоровнинг “Медиаобразования и медиаграмотность”, UNESCO томонидан чоп этилган “Media and information literacy in journalism” манбалари, “Хуррият”, “Жадид” газетларидан фойдаланилди. Мавзуни ўрганишда қиёслаш ва таққослаш усулларидан фойдаланилди.

Асосий қисм

Талабаларнинг бугунги кундаги замонавий турмуш тарзида ахборот олиш кундан – кунга долзар мавзуга айланиб бормоқда. Улар ахборотни асосан ижтимоий тармоқлардан олишга ҳаракат қиласилар. Талабалар Биз талабаларнинг ҳаммасини ҳам ахборотларнинг кундалик таомили бевосита ахборот олами билан боғлиқ. Биз талабаларнинг ҳаммасини ҳам ахборотларни саралаб ўқий олаяпди деб айта олмаймиз. Улар аксари ҳолларда ахборотни тўғридан – тўғри қабул қиласилар. Ёки, ахборотни бўшлиқ бўлган билим кўникмаларига кераксиз ахборотларни ҳам жойлаб қўядилар. Шунинг учун биз “Медиасаводхонлик ва ахборот маданияти” фанини ўқиятганлигимиз ниҳоятда фойдали, зарур деб ўйлаяпмиз. Чунки, кейинги патларда ахборот мазмунида ҳар хил кераксиз, тазийк ўтказувчи хабарларни ҳам тарқатувчи воситага айланиб қолди. Шунингдек, XXI аср ахборот асрига айлани қолдик, унинг тезлашгани, етти ёшдан – етмиш ёшгача унинг домига тушаётгани унинг бошқа асрлардан кескин фарқланади. Биз бугунги кунда шунинг учун медиасаводхонлик йуналишига алоҳида эътибор қаратишимиш лозим. Бунинг учун медиасаводхонликнинг медиатаълим соҳасида мавжуд илмни ўрганиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Яъни, “медиатаълим – танқидий фикрлаш дегани, ҳамда ўқувчи



E CONF SERIES



Scientific Conference on Multidisciplinary Studies

Hosted online from Bursa, Turkey

Website: econfseries.com

11th April, 2025

ўз медиамаҳсулотини етиштириши ривожланишнинг эътиборли жиҳати ҳисобланади. Медиатаълим демократик жараёнда ҳам глобаллашув жараёнида ҳам фаол иштирок этиш учун муҳим бўлиб, медианинг барча турларини ўрганишга асосланиши керак. Медиатаълим – бу медиа ёрдамида таълим беришдан фарқли равишда медиани ўрганишдир” [4].

Таъкидлашимиз жоизки, мамлакатимизда зиёлийларимизнинг кўп қисми босма нашрларни ўқимай қўйдилар. Яъни, газета ва журналларни ўқиётган инсонларнинг сонлари камайиб кетмоқда. Олий ўкув юртининг талабаларида ҳам шундай ҳолатни кўришимиз мумкин. Матбуот саҳифаларида ҳам ахборотнинг таъминланиши, ахбортнинг назарияси ва амалиёти тўғрисида кўплаб маълумотларни ўқишимиз ўқишимиз мумкин. Жумладан, “Хуррият” газетасининг 2025 йил 29 январь сонида “Фейк хабарлар қандай мақсадда тарқатилмоқда?” номли мақола чоп этилган. Бу ҳамма учун, қолаверса биз талабаларимиз учун жуда керакли манба бўлиб ҳисобланади. Чунки, мақолада ахборот асрида маълумотлар билан инсонлар учун маълум қулийликларни яратган бўлсада, шу билан биргаликда янги муаммоларни келтириб чиқараётган медиа оламидаги ишончли ва тўғри маълумотлар билан бирга фейк хабарлардан огоҳлик тўғрисида кўп маълумотларни оламиз. Эътиборли жиҳати шундаки, фейк хабарларнинг нафакат шахсларга, балки жамиятга, қолаверса, давлат даражасида ҳам жиддий оқибатларга олиб келиши тушунтирилади.

Матбуот – жамиятда инсонлар учун ахборот манбасидир. Масалан, “Жадид” газетасининг 2025 йил 7 февраль сонида ““Рақамли инқилоб”дан “яшил инқилоб сари ёки технократлашувнинг “малҳами” қандай бўлади?”” номли мақола газета саҳифасидан ўрин олган. Бу мақолада ноодатий бўлган ахборот маълумотларини таҳлил этишимиз мумкин. Яъни, бугунги кунда дунё замонавий илм – фан, янги технологиялар ва инновацияларда ривожланиб бораётганлигини кўрамиз. Мақолада сунъий интеллект тўғрисида кенг ахборот маълумотлари берилган. Бу бугунги кун талабаси билиши, ўрганиши зарур бўлган жарёндаги тадқиқотларни ўқиши мумкин. Талабани жамиятда фикрлашга, янгича фикрлашга ўргатадиган маълумотлардан иборат.



E CONF SERIES



Scientific Conference on Multidisciplinary Studies

Hosted online from Bursa, Turkey

Website: econfseries.com

11th April, 2025

Кўринадики, матбуотнинг ҳар бир саҳифасида талабани медиасаводхонликка ўргатувчи турли жанрлардаги янгиликларни, мақолаларни кўришимиз мумкин. Агарда талабалар ҳам фақат интернетнинг домига тушиб қолмасликлари учун мамлакатимизда нашр этилаётган босма нашрлардан фойдалансалар, ўқисалар фойдадан ҳоли бўлмайди. Қолаверса, матбуот – жамиятимизнинг қўзгусидир!

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Федоров А.В. Медиаобразования и медиаграмотность. Учебное пособие. M.2018; Damasceno, D. Journalism and fact-checking: typification of sources used for checking and criteria for selecting fact-checked material – an analysis by Agencia Lupa and Aos Fatos.- 2019; 2. Media and information literacy in journalism: handbook for journalists and journalism educators/ N.Muratova, A.Grizzle, D.Mirzakhmedova. — Tashkent: Baktria press, 2019 — 128 p. (UNESCO project).
3. Медиасаводхонлик асослари. – Тошкент: ЎзЖАКУ, - 2019. –Б.648.
4. Медиасаводхонлик асослари. – Тошкент: ЎзЖАКУ, - 2019. –Б.621.